

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛЛАЕВ НУРИДДИН УМАРОВИЧ**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА  
ЛОП КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Нарзуллаев Нуриддин Умарович**

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР  
касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ..... 3

**Нарзуллаев Нуриддин Умарович**

Клинико-иммунологические особенности ЛОР-патологии  
у ВИЧ-инфицированных детей ..... 31

**Narzullaev Nuriddin Umarovich**

Clinical and immunological features of ENT diseases in  
HIV-infected children ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛЛАЕВ НУРИДДИН УМАРОВИЧ**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА  
ЛОП КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib39 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчилар:</b>	<b>Хасанов Саидакрам Аскарovich</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Гариб Виктория Фирузовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Лопатин Андрей Станиславovich (Россия)</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Шамсиев Джахонгир Фазлитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Залялиева Марьям Валиахмедовна</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия)</b>

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, 230-47-99; e-mail: tdsi 2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси,103. Тел./факс: (+99871)230-20-65,230-47-99.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А.Ризаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э.Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.А.Абдуқаюмов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда ОИВ/ОИТС пандемиясига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан касаллик кўпайиб бориши кузатилмоқда. UNAIDS маълумотларига кўра 2012 йилда ушбу касалликдан ўлим ҳолати дунё бўйича тахминан 1,6 млн ни ташкил этди. «Эпидемия бошланиши билан 36 миллион киши ОИТС оқибатида ҳаётдан кўз юмган; 2005 йилдан бошлаб ОИВ инфекциясининг жинсий йўл орқали юқиши фаоллашуви оқибатида оналар ва болалар ўртасида касалланганлар кўпайди. Қайд этилган янги ОИВ инфекцияларнинг 40% га яқини ёшларга (15 ёшдан юқори) тўғри келади»<sup>1</sup>. ОИВ/ОИТС – ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини қамраб олмоқда. Айтилганда ОИВ билан камида 36,7 миллион одам зарарланган. ОИВ/ОИТС эпидемияси дунёдаги кўплаб давлатлар жамиятининг барқарор ривожланишига хавф солмоқда. Эпидемиянинг ўсиши ижтимоий муаммоларнинг чуқурлашишига олиб келади, натижада иқтисодий ривожланишга хавф солиши мумкин.

Жаҳонда ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларини даволаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад ОИВ инфекцияси фонида ЛОР аъзолари касалликлари ривожланишининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва унинг натижасида кечадиган салбий ўзгаришлар сабабини асослашдан иборат бўлиб, АРВТ препаратларга резистентликнинг шаклланиш хавфини камайтириш, оппортунистик инфекциялар, ҳамроҳлик қилувчи синдромлар терапияси ва профилактикасига ёндашувларни такомиллаштириш, иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни аниқлаш, болалар ҳаёт сифатини яхшиловчи профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш, асоратларни камайтириш ва уларни даволашда янгича ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, айниқса, болалар орасида соғлом муҳитни яратиш, ОИВ/ОИТС тарқалиши ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрасатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғини тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>2</sup>га қаратилган

<sup>1</sup> Global AIDS Update, UNAIDS, 2016.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони.

муҳим вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, айниқса, кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 январдаги ПҚ–3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон аҳолисига 2017–2012 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup> ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Centres for Disease Control and Prevention (АҚШ), Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II (Италия), Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University (Исроил), Laboratory of Immunology, University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet (Дания), Department of Medical Microbiology and University of Liverpool (Англия), (Klinik Thalkirchner Strasse, Германия), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

ОИВ инфекциясида иммун тизим кўрсаткичлари ва аллергик реактивлик ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш ҳамда даволашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оғиз бўшлиғи ва ЛОР аъзолари шиллик қаватининг ҳужайралараро ва тизимли иммунитет ҳосил бўлишидаги тутган ўрни аниқланган (Centres for Disease Control and Prevention, АҚШ); ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморларда дори воситаларига аллергик реакцияларнинг ОИВ инфекцияси билан зарарланмаган беморларга нисбатан

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.cdc.gov](http://www.cdc.gov), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.virology.wisc.edu](http://www.virology.wisc.edu), [medicine.utoronto.ca](http://medicine.utoronto.ca), [www.hst.aau.dk](http://www.hst.aau.dk), [www.rigshospitalet.dk](http://www.rigshospitalet.dk), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.liverpool.ac.uk](http://www.liverpool.ac.uk), [www.klinikum-muenchen.de](http://www.klinikum-muenchen.de), [www.cochranelibrary.com](http://www.cochranelibrary.com), [new.huji.ac.il/en](http://new.huji.ac.il/en), [www.rsl.ru](http://www.rsl.ru), [www.biomedcentral.com](http://www.biomedcentral.com), [www.tta.uz](http://www.tta.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

кўпроқ учраши аниқланган (Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II, Италия); ОИВ инфекцияли беморларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбалансаниқланган (Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The University of Naples Federico II, Италия); ОИВ инфекцияли беморларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбаланси аниқланган (Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University, Исроил); яллиғланишга қарши цитокинлар орқали ҳосил бўлувчи Th2 иммун жавоб атопик касалликлар патогенезида ҳал қилувчи бўғин эканлиги исботланган (Laboratory of Immunology, University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet, Дания); ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва психологик қўллаб-қувватлаш натижасида болалар соғлигини тезкор қайта тиклаш дастурлари ишлаб чиқилган (Department of Medical Microbiology and University of Liverpool, Англия); ОИВ инфекцияли ёш беморларни замонавий иммунмодулловчи ва гепатитдан ҳимояловчи дори воситалари билан даволаш асосланган (Klinik Thalkirchner Strasse, Германия); ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ОИВ инфекцияда клиник-эпидемиологик хусусиятларни аниқлаш, ЛОР касалликларини даволаш ва профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: болаларда ОИВ инфекцияси билан зарарланишни эрта аниқлаш; даволаш тактикасини бошлаш ҳамда иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни аниқлаш; болалар ҳаёти сифатини яхшиловчи турли профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш; янги патогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усуллари ишлаб чиқариш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** МДХ давлатларида, хусусан, Марказий Осиё ҳудудларида ОИВ инфекцияси билан камида 60 миллион одам зарарланганлиги, уларнинг кўпчилигида оғир касалликлар ва ўлим ҳолатига олиб келувчи ОИТС ривожланиши муаммонинг долзарблигидан далолат беради (Белякова Н.А., 2009; Slyker J.A et al., 2013). ОИВ инфекцияси Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлатларда болалар орасида ҳам кўпайганлиги кузатилди (Атабеков Н.С., 2010; Хазова Е.Ю., 2012). Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг 2016 йил 1 январ ҳолатига кўра берилган маълумотида Ўзбекистон Республикасида 17993 киши ОИВ инфекцияси билан зарарланган, улар орасида аёллар 30%, 14 ёшгача бўлган болалар 18% ни ташкил этади (Негматова Н.У. ва ҳаммуалл., 2017).

Ҳозирги кунда ОИВ инфекциясининг бирламчи кўринишларидан бири оғиз бўшлиғи ва ЛОР аъзолари шиллиқ қаватларининг зарарланиши бўлиб, бу касалликнинг турли босқичида ОИВ инфекциясига нисбатан клиник кўринишнинг турли хилда намоён бўлишидир (Карпищенко С.А. ва

хаммуалл., 2017). ОИВ билан зарарланган беморларни даволашдан асосий мақсад вирус репликациясини юқори фаоллаштирилган антиретровирусли терапия ёрдамида камайтиришдан иборат. ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморларни радикал даволаш воситалари ҳозирги кунда мавжуд эмас. Даволаш тадбирлари касалликнинг олдини олиш ёки унинг ривожланишини секинлаштиришга йўналтирилган (Худайкулова Г.К. ва хаммуалл., 2015).

Дори-дармонлар билан даволашнинг асосини специфик вирусга қарши (шунингдек, антиретровирусли) восита ташкил этади. Антиретровирус препаратлар билан даволашни иммунтанқислик жиддийлашувига қадар бошлаб, беморлар ҳаёти давомида давом эттириши керак (Ростова Н.Б. ва хаммуалл., 2016; Шалгина М.В. ва хаммуалл., 2017; Myron S. Cohen et al., 2016). ОИВ билан зарарланган беморларда ЛОР аъзоларининг иккиламчи инфекцияларини даволаш ўзига хос хусусиятларга эга, яъни дори воситалари юқори дозада тайинланади, уларни қабул қилиш муддати узайтирилади ҳамда улар профилактик мақсадда қабул қилинади. Шунинг унутмаслик керакки, иммун кучайтирувчи ва иммун депрессияловчи воситаларни тайинлаш мумкин эмас. Шунингдек, оппортунистик инфекциялар, қон касалликлари, ўсма ва бошқа касалликлар давоси учун турли дори воситалар тавсия қилинади (Белозеров Е.С. ва хаммуалл., 2014).

ОИВ инфекция билан зарарланган беморларни оториноларингология амалиётида даволашда иккиламчи терапия ва йўлдош касалликлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу касалликларни даволаш АРВТ бошлашдан аввал муҳим, бемор ҳолатининг оғирлик даражаси тўғридан-тўғри у ёки бу иккиламчи касаллик мавжудлигига боғлиқ (Ростова Н.Б. ва хаммуалл., 2016 ). Адабиётларда болаларга АРВТ олиб бориб даволаш схемаси ва ножўя таъсирлари ҳақида маълумотлар келтирилган (Шалгина М.В. ва хаммуалл., 2017). Бироқ ОИВ юқтириш орқали ЛОР касалликлари билан касалланган болаларда юқори фаоллаштирилган антиретровирусли терапияни қўллаш бемор ҳаётини узайтириш ва яхшилашга имкон беради. Кимётерапияга резистентли бўлган кўзгатувчилар штаммларининг ҳосил бўлиши маълум маънода вазиятни кескинлаштиради (Шалгина М.В. ва хаммуалл., 2017). Шу муносабат билан асл, маҳаллий бактерияларга қарши воситаларнинг юзага келиши ва келажақда ОИВ юқтирган болаларда иккиламчи ЛОР касалликларини даволашнинг янги усуллари аниқлаш соғлиқни сақлаш амалиётидаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, ОИВ инфекцияси беморларга ташхис қўйиш ва даволаш, уларнинг реабилитацияси, вақтинчалик ишга бўлган лаёқатини йўқотиш, профилактика чора-тадбирлари туфайли жуда катта иқтисодий харажатларни келтириб чиқаради. Шунга кўра аҳоли саломатлигининг аниқ муаммолари билан биринчи бўлиб тўкнашадиган даволаш муассасалари шифокорлари аниқ ёрдам беришлари зарур. Даволаш ва профилактик ёрдам кўрсатиш даражаси уларнинг чуқур билимга эга эканликлари ва ушбу вазиятдан яхши

хабардорликларига боғлиқ, демак, беморлар ҳаёт тарзини яхшилаш бевосита уларнинг иш тажрибаларига асосланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг 02.2018.DSc.003-сон «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2013–2018)» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ЛОР касалликларининг даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда оториноларингологик касалликлар учраш даражаси ва хусусиятларини баҳолаш;

ўрганилаётган ЛОР патологияли контингентда иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш;

ОИВ инфекция кузатилган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг асосий кўзгатувчиларини идентификация қилиш;

клиник ва микробиологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ЛОР аъзоларини даволашнинг турли усулларини қиёсий таҳлил қилиш;

ЛОР аъзолари касалликлари қайталаниши олдини олиш мақсадида ОИВ билан инфицирланган болаларда гриппга қарши эмлаш таъсирини баҳолаш;

ЛОР аъзолари касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмининг ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР аъзолари касаллиги бор 166 нафар бемор ва 80 нафар ОИВ инфекцияси билан зарарланмаган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб болалар қони, зардобини; кулоқ, бурун ва томоқ суртмалари ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник, оториноларингологик, бактериологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР-аъзолари касалликларининг клиник кечиши, иммун тизими кўрсаткичларининг ўзгаришига боғлиқлиги исботланган;

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР-аъзолари касалликлари асосий кўзгатувчиларининг учраш даражаси аниқланган;

илк бор яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг маълум кўрсаткичлари ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг қайталаниш даражасини аниқлашнинг башорат омили эканлиги аниқланган;

илк бор ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда касалликнинг оғир кечиш даражасини камайтирувчи, маҳаллий жароҳатни битказувчи ва яллиғланишга қарши дори воситаларининг ЛОР-аъзолари касалликларини даволашгача ва даволашдан кейинги клиник, микробиологик кўрсаткичлар натижалари аниқланган;

ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР касалликлари бор болаларда касаллик этиологиясини инобатга олган ҳолда маҳаллий ва патогенетик механизмларга таъсир этувчи даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияси билан зарарланган ЛОР-касалликлари бор беморлар даволаш жараёнини ва ҳаёт сифатини оширадиган иммунитетни мустаҳкамловчи даво усули ишлаб чиқилган;

иммунтанқислик жараёнида ЛОР-аъзолари санациясида маҳаллий жароҳатни битказувчи ва яллиғланишга қарши дори воситасини қўллаш юқори самарали эканлиги исботланган;

ОИВ-инфекцияси билан зарарланган болалар ЛОР-касалликларида гриппга қарши иммунизациянинг профилактик ва даволаш самарадорлиги баҳоланган;

ОИВ-инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР-аъзолари касалликларини ташхислаш, даволашни такомиллаштириш учун ЭХМ дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, оториноларингологик, бактериологик, иммунологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ОИВ/ОИТС инфекцияси фонида ривожланадиган ЛОР аъзолари касалликларининг клиник-иммунологик аҳамиятини аниқлаш республикамизда келгусида чуқур тадқиқотлар олиб бориш имконини беради, касалликларнинг турли клиник кўринишлари патогенези тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтириш ҳамда янги даволаш усулини қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар ЛОР касалликларининг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усуллари оптимал танлаш имконини беради. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларини ташхислаш, даволашни такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган муаллифлик дастури касалликни эрта ташхислаш ва даволаш услубларини танлаш, касалликнинг қайталаниши ва кўзишини

камайтириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратиш орқали жамиятга ижтимоий ва иқтисодий зарарни камайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

«ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар ЛОР аъзолари касалликлари анъанавий санациясини клиник-морфологик баҳолаш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 25 сентябрдаги 301-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ инфекциясини эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантини танлаш имконини берган;

«ОИВ/ОИТС билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг таҳлили» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 8н-р/227-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг клиник-эпидемиологик хусусиятларини танлаш имконини яратган;

«ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўткир ўрта отитнинг клиник хусусиятлари» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 8н-р/228-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўткир йирингли ўрта отит ва унинг клиник кечишини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини танлаш имконини яратган;

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликларини ташхислаш, даволаш тактикаси ва ОИВ/ОИТС инфекцияли беморларни даволашни оптималлаштириш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Бухоро вилояти болалар юқумли касалликлари шифохонаси ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24 августдаги 8Н-д/46-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ОИВ инфекцияли беморларни ташхислаш, даволаш, парвариш қилиш муаммоларини оптималлаштиришда кенг фойдаланилмоқда. ЛОР касалликлари ремиссия муддатини узайтирди ва асоратларини камайтирди, бу эса ўз навбатида беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди. Ишлаб чиқилган даволаш усулини қўллаш 18,4 млн сўмни тежаш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликлари этиопатогенези ва даволаш тактикасининг долзарб жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва тадқиқот иши мавзуси бўйича маҳаллий ҳамда хорижий адабиётларнинг батафсил шарҳи таҳлили келтирилган. Шунингдек, дунёда ОИВ юқтирилганда ЛОР касалликлари долзарблиги ҳамда антиретровирусли терапия олган болаларда ОИВ инфекциясига оид муаммо ҳолати тадқиқоти натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар тавсифи ва қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида текширилаётган беморларнинг клиник тавсифи, ўрта қулоқ, бурун, бурун ёндош бўшлиқлари ва ҳалқум ажратмаларининг бактериологик текшируви, иммун статусни баҳолаш усуллари, ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзоларини соғломлаштиришга қаратилган турли усулларни қўллашнинг қиёсий клиник-микробиологик баҳоси келтирилган.

Текширув маълумотлари ва 2007–2017 йиллар давомида ОИВ юқтирган ЛОР касалликлари билан 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган 166 нафар бемор болаларни даволаш таҳлил қилиниб, ОИВ инфекция билан зарарланмаган 80 нафар бола текширилди. Барча болаларда оториноларингологик, клиник-лаборатор, бактериологик ва иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган комплекс текширув ўтказилди. 50 нафар бемор бола организмидаги иммунологик реактивликни ўрганиш динамикада амалга оширилди, улардан 23 нафар ОИВ юқтирган ЛОР патологияли болалар анъанавий муолажа, 27 нафар ОИВ юқтирган ЛОР патологияли бемор бола эса анъанавий муолажа ва антиретровирусли терапия қабул қилди.

Барча ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР касалликли болаларда клиник ва оториноларингологик текширувлар ўтказилди. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказилган ва йўлдош касалликлар, преморбидли кўриниш,

касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг давомийлиги, эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилди.

Барча микробиологик тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти микробиология ва фармакология кафедраси бактериологик лабораторияси базасида олиб борилди. Ўткир ва сурункали йирингли риносинусит мавжуд беморларда патологик материал юқори жағ бўшлиғидан стерилланган Куликовский игнаси билан тешиш орқали олинди. Пункциядан кейин бўшлиқ ичидаги ажралмалар аспирацияси тайёрланди. Патологик материал йўқлигида стерилланган шприцда сўнгги аспирация билан стерилланган физиологик эритма киритиб тайёрланди.

Ўчоқдан олинган патологик материал ёки пахтали тампон дарҳол бевосита қонли ва шоколадли агар орасига, Эндо, Китта-Тароции, Сабуро, натрий азидли сариқ-эскулинли агар ва натрий азидли қонли агарга (анаэроблар учун) экилди. Унган колониялар морфологик, ферментатив хусусиятлари ўрганилди.

ОИВ инфекцияси фонида ўткир ўрта отити бўлган беморларнинг иммун статуси Иммунология илмий маркази иммуноцитокинлар лабораториясида олиб борилди. Имунитетнинг хужайравий, гуморал бўғинлари, шунингдек, CD25+ ва CD95+ маркерлари идентификациясининг эрта ва кеч фаоллашуви моноклонал антитаналар ёрдамида аниқланди.

Касалликнинг кенг тарқалган турида нейтрал Анолит-ЭСЭ (электрфаоллаштирилган сув-тузли эритма) қилинди. Тиббиётда ЭСЭдан фойдаланишни тажрибавий-назарий асослаш Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида амалга оширилди, шу ерда ЭСЭни клиник қабул қилишнинг асосий усуллари ишлаб чиқилди. Тадқиқот жараёнида ФарГАЛС (маҳаллий жароҳатни битказувчи ва яллиғланишга қарши эритма) препарати дистилланган сувда 1:1, 1:2 нисбатда эритиб қабул қилинди.

Гематологик индексларни баҳолаш интоксикациянинг лейкоцитарли индексдан (ИЛИ) фойдаланиб Кальф-Калиф Я.Я. формуласи бўйича; Кребс индекси (КИ); организм резистентлиги индекси (ОРИ) бўйича ўтказилди.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажарилди. Вариацияланган параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғишма ( $\sigma$ ), стандарт ўртача хатолар (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулларида фойдаланилди. Ўртача катталиқлар таққосланганда олинган ўлчамларнинг статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F – Фишер мезони бўйича) аниқланди. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилик даражаси  $P < 0,05$  дан фойдаланилди.

**Диссертациянинг «ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг ўзига хос кечиш хусусиятлари» деб**

номланган учинчи бобида ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг ўзига хос кечиш хусусиятлари келтирилган. 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ОИВ юқтирган ЛОР касалликлари билан оғриган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган 166 нафар бемор болалар текширилди. Назорат гуруҳига 80 та ОИВ юқтирмаган ЛОР аъзолари касалликлари билан оғриган болалар киритилди. Диссертацияда ўткир ва сурункали ўрта отитнинг кечиши, этиологик омилларнинг хусусиятлари, ОИВ негатив ва ОИВ позитив ҳолатдаги болаларда ўрта кулоқ касалликларида иммунитет тизими хужайралар бўғинининг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.


ОИВ билан зарарланган 18 нафар (27,7%) болада ўткир ўрта отит кузатилди, улардан 4 нафарида (6,2%) перфоратив босқичгача, 14 нафарида (21,5%) эса ўткир йирингли перфоратив босқич кузатилди, назорат гуруҳида ўткир йирингли отит 2 нафар (8,7%) ва 5 нафар (21,7%) ҳолатни ташкил этди. Сурункали йирингли ўрта отит ОИВ билан зарарланган болаларда 34 нафар (52,3%) ҳолатда учради, улардан 22 ҳолатда (33,8%) сурункали йирингли мезотимпанит, 12 нафарида (18,5%) эса йирингли эптитимпанит, назорат гуруҳида 13 нафар (56,6%) ва 3 нафар (13%) ҳолатни мос равишда ташкил этди. Энг кўп учрайдиган нозология йирингли мезотимпанит бўлиб, 33,8% ва назорат гуруҳида 56,5% ни ташкил этади. Анамнез маълумотларини ўрганиш ОИВ/ОИТС бўлган болалар гуруҳида ҳар йили сурункали ўрта отитнинг қайталаниши 3 дан 8 мартага етишини ва ўртача  $5,1 \pm 0,2$  мартани ташкил этишини кўрсатди. ОИВ билан зарарланмаган болалар гуруҳида бу кўрсаткич сезиларли паст бўлди ва бир йилда  $2,1 \pm 0,3$  мартани ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

ОИВ/ОИТС бўлган болалар учун сурункали ўрта отит қайталанишининг юқори бўлиши фонида касалликнинг оғир шакллари ривожланишининг кўпроқ учраш даражаси ҳам хос. Шундай қилиб, 52 нафар бемордан 12 нафар (23%) болада ўрта кулоқ касаллигининг клиник кечиши оғир даражада бўлган, шунда назорат гуруҳида бу кўрсаткич фақатгина 1 нафар (4,3) беморни ташкил этди ( $\chi^2=9,365$  мезонига кўра;  $df=1$ ;  $P < 0,002$ ). Асоратлар орасида менингит, сепсис ва мия абцессининг ривожланиши ажралиб туради. (1-расм).

ОИВ ёки ОИТС фонида ўрта отитнинг оғир асоратлари сабаб ўлим кўрсаткичлари 5 нафар (9,6%) болада кузатилди, шунда назорат гуруҳида бу кўрсаткич оғир отоген менингит билан касалланган 1 нафар (4,3%) болани ташкил этди. Ўлим кўрсаткичларига 2 нафар (3,8%) ҳолатда менингит, 2 нафар (3,8%) беморда мия абцесси ва 1 нафар (1,9%) болада сепсис сабаб бўлди. ОИВ ёки ОИТС ривожланиши фонида ўлим кўрсаткичлари масалалари кўплаб соҳа мутахассислари доирасида қизиқиш уйғотади. Бу муаммолар кечишида келиб чиқиши мумкин бўлган турли асоратлар орасида ЛОР касалликларига катта эътибор қаратилади.

ОИВ фонида ўрта кулоқнинг ўткир ва сурункали касалликларида амбулатор шароитда даволанишни давом эттириш ўртача  $11,5 \pm 0,4$  кун, ОИВ билан зарарланмаганда ўткир ва сурункали ўрта отитларда  $6,2 \pm 0,3$  кунни

ташқил этди ( $P < 0,001$ ). ОИВ/ОИТС фонида ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали касалликларида стационар даволанишнинг давомийлиги  $17,1 \pm 0,6$  кун, ОИВ билан зарарланмаган гуруҳда  $10,2 \pm 0,4$  кунни ташқил этди ( $P < 0,001$ ).



**1-расм. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўрта қулоқ касалликларининг оғир шакллари.**

Микробиологик тадқиқотларда ОИВ инфекцияси бўлмаган ўткир ўрта отитли беморларда даволашгача микроорганизмларнинг униши 22,2% ҳолатда кузатилмаган. 55,5% ҳолатда ажратилган микроорганизмлар монокультура кўринишда ва 22,2% ҳолатда икки микроорганизмли ассоциациялар кўринишида кузатилди. Биринчи гуруҳдаги беморларда йирингли ажралмада қўзғатувчилари граммубат коклар ва грамманфий бактериялар бўлди. Жами 10 та штамм ажратиб олинган, улардан 5 таси (50,0%) стафилококлар ва 4 таси (40,0%) грамманфий бактерияларга тегишли. Қўзғатувчиларнинг турига кўра таҳлили барча клиник гуруҳларда (40,0%) ҳолатда *S. aureus* ва (30,0%) *P. aeruginosa* унганини кўрсатди. *S. pneumoniae*, *Haemophilus spp* ОИВ инфекцияси бўлмаган ўткир ўрта отитли беморлардан камроқ (10,0%) микдорда унди.

Микробиологик тадқиқотда ОИВ инфекцияли 18 нафар ўткир ўрта отит бўлган беморларда даволашгача микроорганизмлар 11,1% ҳолатгача кузатилмади. 33,3% ҳолатда қўзғатувчилар монокультура кўринишда ва 55,6% ҳолатда ассоциация ҳолида кузатилди, улардан 7 нафар (38,9%) бемор болаларда икки микроорганизмли, 3 тасида (16,7%) эса уч микроорганизмли ассоциация аниқланди. Ўткир ўрта отит бўлган беморларда жами 31 та (32,2%) микроорганизмлар штаммлари унди, улардан 10 та штамм патоген (*S.aureus*, *S.pneumoniae* ва *P.aeruginosae*) турига, 9 та (29%) штамм микроскопик замбуруғларга, 4 та (12,9%) штамм шартли равишда патоген

анаэробга, 3 та штамм (9,7%) шартли патоген коккларга ва 3 та (9,7%) штамм грамманфий бактерияларга тегишли бўлган. Таъкидлаш керакки, микроорганизмларнинг ушбу тури (анаэроб, замбуруғли ва грамманфий бактериал флора) ОИВ негатив ҳолатли ўткир ўрта отит бўлган беморларда идентификация қилинмаган.

ОИВ позитив ҳолатли беморларда ЛОР аъзоларининг яллиғланиш касалликларида тадқиқотнинг кўзгатувчилар спектрлари турига кўра бактериологик натижаларида барча текширилаётган бемор болалар гуруҳларида микроорганизмлар спектр тузилишида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Бу ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти кўзгатувчилар ўртасидаги муайян диспропорция ва шартли патоген микрофлора учрашида намоён бўлди.

Ўрта отитнинг қайталанувчи шаклида (жами 19 нафар беморда) ташхис бактериологик жиҳатдан тасдиқланган, бунда 23 та штамм унган, 15,8% ҳолатда униш кузатилмаган. 52,6% ҳолатда унган микроорганизмлар монокультура кўринишда ва 31,6% ҳолатда ассоциация шаклида бўлди. Стафилококклар 30,4% текширилган беморларда аниқланди, бу 43,7% ҳолатни ташкил этди, 26,2% ҳолатда *P.aeruginosae* унган. Ассоциацияларда 6 нафар беморда *P.aeruginosae* ёки стафилококклар билан *Moraxella spp* ва/ёки *Peptococcus spp*, *Aspergillus spp* ажратиб олинди.

Сурункали ўрта отит бўлган 34 нафар бемор болалардан 3 нафариди (7,3%) микроорганизмлар униши кузатилмади, 35 нафариди (92,7%) 68 та микроорганизмлар штамми ажратилган. 8 нафариди (21,1%) ажратилган микроорганизмлар монокультура сифатида ва 27 нафар (71%) ҳолатда микроорганизмлар ассоциациялари шаклида бўлди, улардан 21 нафариди (40%) икки микроорганизмли ва 6 нафариди (21%) 3 ва ундан ортиқ микроорганизмлар ассоциацияси бўлган.

ОИВ инфекциянинг асосий хусусияти иммун тизим, биринчи навбатда Т-хужайравий бўғиннинг зарарланиши ҳисобланади. Шубҳасиз, CD4+ лимфоцитларнинг кам миқдори иккиламчи инфекцияларга чидамлилиқнинг пасайишига боғлиқ. Бу ноадекват иммунологик жавобни талаб қилади ва инфекцион жараёнларнинг сурункали ҳолатга ўтишига сабаб бўлади.

Тадқиқотда ўрта кулоқнинг ўткир ва сурункали касалликлари билан 12 нафар ОИВ позитив ҳолатдаги ва 12 нафар ОИВ негатив ҳолатдаги бемор болалар текширилди. ЛОР аъзолари касалликлари бўлмаган ОИВ позитив ҳолатдаги болалар, уларда касалликнинг хуружи ва ремиссия босқичида иммунологик текширув ўтказилди. Барча иммунологик кўрсаткичлар таққосланди ва назорат гуруҳи билан солиштирилди. Барча текширилаётган болалар ОИТС/ОИВ касаллигининг 2- ва 3-босқичларида бўлишган ва АРВТ терапия қабул қилишиб, ЛОР аъзолари яллиғланиш касалликларини даволаш баённомасига кўра даволанган.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўрта кулоқ касалликларининг Т-хужайравий ҳалқалари ўртача кўрсаткичлари тадқиқоти натижалари 1-жадвалда келтирилган. Иммунитетнинг Т-хужайравий бўғини

тахлилининг натижалари асосий гуруҳдаги болаларда CD3+ лимфоцитлар миқдори таққослаш ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан пастлигини кўрсатди.

### 1-жадвал

#### ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўрта кулоқ касалликларининг Т-хужайравий ҳалқалари ўртача кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Қўзиш даври	Ремиссия даври	Назорат гуруҳи	Таққослаш гуруҳи
Текширилаётганлар сони	12	12	12	24
Ўғил болалар	7	7	6	12
Қиз болалар	5	5	6	12
Лейкоцитлар, кл/мкл	4231±49**	2211±69***	6023±148	4621±1,56
Лимфоцитлар, абс.	23,8±2,0**	24,6±2,0***	25,2±0,78	23,6±1,54
CD3 +, %	49.8± 2.30**	48.3±4.57***	55.83±0.97	45,22±1,46
CD4+ , %	20.3±0,97***	20.2±0.62***	32.17±1.30	19,15±0,83
CD8+ , %	27.8±1.19***	28.1±1.34***	23.67±0.88	27,07±1,36
ИРИ (CD4/ CD8)	0.75 ±0.04***	0,75±0.05***	1.36±0.19	1,02±0,05
CD16+, %	17.2±0.84	17.1±0,83	18.40±1.15	18,09±1,03
CD20+, %	21.8±0.81	20.8±1.36*	23.17±1.17	21,82±1,23
CD25+	12.8±0,49***	14.7±0.97***	22.34±0.83	15,75±0,98
CD38+ , %	37.3±1.68***	36.3±1.60***	21.18±0.63	34,23±1,47
CD95+	34.7 ±1.20***	37,6±1.42***	21.14±0.58	19,74±1,70

Изоҳ: \* – фарқ назорат гуруҳи маълумотлари кўрсаткичларига нисбатан олинган (\* – P<0,05, \*\*\* – P<0,001).

Назорат гуруҳида CD3+ миқдори 55,83±0,97% ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич касаллик авж олиш даврида ўртача 49,8±2,3%га ва ремиссия даврида 48,3±4,6%га тенг бўлди (P<0,05), таққослаш гуруҳида 45,22±1,46% кузатилган (P<0,05).

Иммунитет Т-хужайравий бўғиннинг субпопуляцион таркибини таҳлил қилишда асосий гуруҳдаги болаларда Т-хелпер/индукторлар (CD4+) миқдорининг 1,6 мартага пасайгани аниқланди. Лейкоцитларнинг юқори кўрсаткичларига кўра Т-лимфоцитларнинг абсолют миқдори ошишга мойил бўлди. CD4+/CD8+ (иммунрегулятор индекс – ИРИ) ўзаро нисбати назорат ва

таққослаш гуруҳи билан таққосланганда унинг ишончсиз пасайганини кўрсатди ( $P>0,05$ ). Асосий гуруҳдаги болаларда ИРИ индивидуал кўрсаткичларининг тебраниш кенглиги 0,45 дан 0,97 гача бўлди, бироқ беморларнинг кўпчилигида ИРИ 0,80 кўрсаткичдан паст.

Шундай қилиб, бу ҳолатда асосий гуруҳдаги болаларда Т лимфоцитлар популяциясининг танқислиги, асосан, CD4+ хелпер/индуктор пасайиши билан боғлиқ, бу адекват яллиғланиш жараёнлар ва инфекцион агентларни бевосита ҳалок қилувчи киллер ҳужайралар ҳосиласини бошқаришда зарур бўғин ҳисобланади.

Олинган маълумотлар таҳлили назорат гуруҳи, асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги болаларнинг кўрсаткичлари ўртасида сезиларли натижалар борлигини аниқлади. Демак, назорат гуруҳида ИФН- $\gamma$  миқдори  $22,40\pm 2,75$  пг/млга тенглашди, шунда асосий гуруҳда хуруж даврида бу кўрсаткич  $67,4\pm 12,5$  пг/мл, ремиссия босқичида  $48,4\pm 3,15$  пг/мл, таққослаш гуруҳида  $47,8\pm 15,9$  пг/мл ни ташкил этди ( $P<0,01$ ). Назорат гуруҳидаги болаларда ИЛ-10 миқдори  $17,8\pm 1,10$  пг/млга тенг бўлган, асосий гуруҳдаги болаларда эса  $50,9\pm 4,27$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $32,4\pm 9,6$  ни ташкил этди ( $P<0,01$ ). Назорат гуруҳидаги болаларда ИЛ-17 миқдори  $7,3\pm 0,70$  пг/мл га тенг бўлган, асосий гуруҳдаги болаларда  $15,0\pm 1,16$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $13,9\pm 2,9$  пг/мл ни ташкил этди ( $P<0,01$ ).

Цитокин профили ҳолатининг қиёсий таҳлили ОИВ инфекцияси фонида ўрта қулоқда акс этган яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин кўтарилишига олиб келишини кўрсатди. Назорат ва таққослаш гуруҳида яллиғланишга қарши цитокинларнинг пасайиши белгиланди.

Диссертацияда риносинуситларнинг учраш даражаси, этиологик омилларнинг хусусиятлари, ОИВ позитив ва ОИВ негатив ҳолатлардаги болаларда ўткир ва сурункали риносинуситда иммун тизимининг ҳужайравий бўғини кўрсаткичлари келтирилган.

Ўткир риносинусит 23 нафар (35,4%) ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда, сурункали риносинусит 42 нафар (64,6%) беморларда кузатилди, назорат гуруҳида улар мос равишда 12 нафар (38,7%) ва 19 нафар (61,3%) ни ташкил этди. Сурункали риносинуситлар ОИВ инфекцияси билан зарарланган ва зарарланмаган болаларда учради, улардан сурункали катарал гайморит 6 нафар (9,2%) ва 5 нафар (6,1%), сурункали йирингли гайморит 23 нафар (35,4%) ва 7 нафар (22,6%), сурункали гипертрофик гайморит 6 нафар (9,2%) ва 3 нафар (9,7%), сурункали аллергик гайморит 3 нафар (4,6%) ва 2 нафар (6,5%) болада, сурункали фронтит 3 нафар (4,6%) ва 1 нафар (3,2%) беморда кузатилди.

Сурункали йирингли гайморит жами 23 нафар (35,4%) ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморларда аниқланди. Бошқа нозологиялар кам ҳолларда учради, сезиларли фарқлар кузатилмади ( $P>0,05$ ).

Анамнез маълумотларини ўрганиш ОИВ/ОИТС бўлган болалар гуруҳида сурункали риносинуситнинг ҳар йили қайталаниши 3 мартадан 6

мартагача етган ва ўртача бир йилда  $4,5 \pm 0,2$  ни ташкил этишини кўрсатди. ОИВ инфекцияси билан зарарланмаган болалар гуруҳида бу кўрсаткич сезиларли паст бўлди ва бир йилда  $2,1 \pm 0,3$  ни ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

ОИВ инфекцияси бўлган болалар орасида ўткир ва сурункали риносинусит ривожланиши сабаб оғирлашган 48 нафар бола касалхонага ётқизилди, бу кўрсаткич 73,8% ни ташкил этди, шунда амбулатор шароитда фақат 17 нафар (26,2%) бемор ўткир этмоидит (7 нафар бола) ва сурункали катарал гайморит билан (10 нафар бола) даволанди. Назорат гуруҳида стационар даволанишга фақат 11 нафар (35,4%) болада эҳтиёж туғилди, қолган 20 нафарида (64,6%) амбулатор шароитда даволаниш мумкин бўлди. Шунинг учун мезонга кўра ҳам фарқларнинг юқори даражаси белгиланди. ( $\chi^2=13,972$  мезонига кўра;  $df=1$ ;  $P < 0,001$ ).

Беморлар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга бўлинди: 1) ўткир риносинусит (ЎРС) билан касалланган бемор болалар – 39 нафар – ОИВ неготив ҳолатдаги 16 ва ОИВ позитив ҳолатдаги 23 нафар; 2) сурункали риносинусит (СРС) бўлган бемор болалар – 54 нафар, ОИВ неготив ҳолатдаги 20 нафар ва ОИВ позитив ҳолатдаги 34 нафар бемор.

ОИВ инфекциясиз ЎРС бўлган беморларда кўзгатувчилар граммусбат коклар ва грамманфий бактериялар кўринишида бўлди. Жами 18 та штамм ажратилди, улардан 10 таси (55,6%) коккли флорага ва 7 таси (38,9%) штамм грамманфий бактерияларга тегишли. Шунингдек, барча клиник гуруҳларда кўпроқ *Staphylococcus spp.* ва *Streptococcus spp.* (27,8%) унгани аниқланди. Бурун бўшлиғининг таркибий қисмларидан ажралган грамманфий бактерияларнинг клиник штаммлари тури таркибида *P.aeruginosae*, *Moraxella spp.* (11,1%) устунлик қилди.

ОИВ инфекцияли ЎРС бўлган 23 нафар бемор болаларда даволашгача бўлган микробиологик тадқиқотда микроорганизмлар униши 11,1% ҳолатда кузатилмади. 35,3% ҳолатда унган микроорганизмлар монокультура сифатида ва 55,6% ҳолатда ассоциацияланган кўринишда аниқланди, улардан 6 нафар (38,9%) бемор болада икки микроорганизм, 4 нафарида (16,7%) уч микроорганизм ассоциация ҳолати кузатилди.

ОИВ позитив ҳолатли ЎРС бўлган беморларда клиник даволанишга келишида монокультура 39,1% ҳолатда унди ва бу ОИВ неготив ҳолатли ЎРС бўлган беморлар кўрсаткичидан 2 марта паст, аралаш ассоциация 52,2% ҳолатда ва 4,2 марта кўпроқ унди. Монокультуранинг ўзига хос пасайиши ва ЎРСнинг йирингли ажралмалари икки ёки уч микроорганизм ассоциациясининг кўпайиши ОИВ позитив ҳолатли учинчи ва тўртинчи клиник босқичдаги беморларда кузатилди.

Ажралган микроорганизмлар орасида кўп ҳолатларда анаэроб микроорганизмлар ва замбуруғли флора намуналари – 10 нафар (23,2%) беморда мос равишда учради. Анаэроблар орасида 11,5% ҳолатда энг кўп *Peptococcus spp.* унди ва замбуруғли флора орасида, асосан, *Penicillium sp.* ажралди. Грамманфий таёқчалар 11 та (25,6%) намунада учради, гемофил ва

кўк йиринг таёқчалар (9,3%), шунингдек, 3 та (7%) ҳолатда энтеробактериялар намоён бўлди.

Сурункали синуситда ОИВ бўлмаган 20 нафар текширилаётган беморларнинг барчасида ташхис бактериологик жиҳатдан тасдиқланди, микроорганизмлар униши 15,0% ҳолатда кузатилмади. 50,0% ҳолатда ажратилган микроорганизмлар монокультура кўринишида ва 35,0% ҳолатда ассоция кўринишида аниқланди. Сурункали синуситда ташхис бактериологик жиҳатдан 34 нафар (85%) ОИВ инфекцияси бўлган беморларда тасдиқланди, 11,7% ҳолатда униш кузатилмади. 23,6% ҳолатда ажратилган микроорганизмлар монокултура кўринишида ва 64,7% ҳолатда ассоциация шаклида аниқланди.

Натижалар пунктатларда кўпроқ *S. aureus*, *Moraxella spp*, *P.aeruginosae* ва *Haemophilus spp* учрашини кўрсатди. Шу билан бирга умумий тузилишдаги алоҳида микроорганизмлар миқдори текширилаётган ЎРСли беморлар кўрсаткичларидан фарқ қилди. Хусусан, СРС бўлганларда ажралган стрептококклар миқдори камайди, пунктатларда микроорганизмлар ассоциациясининг аниқланиш эҳтимоли ошди.

Тадқиқот жараёнида ўткир ва сурункали риносинуситли 14 нафар ОИВ позитив ва 14 нафар ОИВ негатив ҳолатдаги бемор болалар текширилди, 22 нафар ОИВ позитив ҳолатдаги ЛОР аъзоси касаллиги бўлмаган болалар, кучайган ва ремиссия босқичда иммунологик текширилди. Барча иммунологик кўрсаткичлар таққосланди ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилди. Барча текширилаётган болалар ОИВ/ОИТС касаллигининг 2- ва 3-босқичида бўлишган, АРВТ терапия қабул қилишган ва ЛОР аъзолари яллиғланиш касалликларини даволаш баённомасига кўра даволанган.

Асосий гуруҳдаги болаларда лейкоцитлар умумий миқдорининг ўртача кўрсаткичи таққослаш ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ошди ( $P<0,01$ ). Шубҳасиз, аниқланган лейкоцитоз тизимли яллиғланиш мавжудлигини кўрсатди. Периферик қондаги лимфоцитларнинг нисбий миқдори гарчи сезиларли фарқланмаган бўлса ҳам, пасайишга мойил бўлди. Шунга кўра яллиғланишли болаларда лейкоцитлар сонининг ошиши кузатилди, лимфоцитларнинг абсолют кўрсаткичи таққослаш ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда сезиларли ошди ( $P<0,001$ ).

Иммунитетнинг Т-хужайравий бўғини натижалари таҳлили CD3+ лимфоцитларнинг нисбий миқдори асосий гуруҳдаги болаларда таққослаш ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққосланганда пастроқ бўлган. Назорат гуруҳида CD3+ кўрсаткичи  $44,62\pm 0,79\%$  ни ташкил этди, асосий гуруҳдаги болаларда эса бу кўрсаткич хуруж даврда  $48,7\pm 2,28\%$  ва ремиссия даврида  $45,111\pm 1,79\%$  га тенг бўлди ( $P<0,001$ ), таққослаш гуруҳи  $43,15\pm 1,22\%$  кўрсаткич билан фарқланди ( $P<0,05$ ).

Иммунитетнинг Т-хужайравий бўғини субпопуляцион таркибини таҳлил қилишда асосий гуруҳдаги болаларда Т-хелпер/индуктор (CD4+) миқдорининг 1,6 марта пасайгани аниқланди. Лейкоцитларнинг юқори

кўрсаткичи сабаб Т-лимфоцитларнинг абсолют миқдори ортишга мойил бўлган. Шубҳасиз, асосий гуруҳдаги Т-хелпер/индукторларнинг нисбий миқдори назорат ва таққослаш гуруҳи маълумотлари билан таққосланганда сезиларли паст бўлди ( $P < 0,05$ ).

CD4+/CD8+ (иммунрегулятор индекс – ИРИ) ўзаро нисбатининг таҳлили назорат ва таққослаш гуруҳи кўрсаткичлари билан таққосланганда унинг сезилмас пасайганини кўрсатди ( $P > 0,05$ ). Асосий гуруҳдаги болаларда ИРИ индивидуал кўрсаткичларининг тебраниш кенглиги 0,43 дан 0,95 гача бўлган, бироқ беморларнинг кўпчилигида ИРИ 0,75 кўрсаткичдан паст бўлди. ИРИнинг бундай ўзгариши CD8+лимфоцитларнинг ишончсиз ўзгарган кўрсаткичлари фонида CD4+лимфоцитлар пасайиши ҳисобига кузатилди. CD8+лимфоцитлар кўрсаткичи назорат ва таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмагани белгиланди.

Шундай қилиб, бундай ҳолатда асосий гуруҳдаги болаларда Т-лимфоцитлар популяциясининг танқислиги, асосан, CD4+ хелпер/индуктор пасайишига боғлиқ, бу инфекция агентларини бевосита ҳалок қилувчи – киллер ҳужайралар ҳосиласи ва адекват яллиғланиш жараёнини бошқаришда зарур бўғим ҳисобланади.

Назорат гуруҳидаги беморларда ИЛ–10 миқдори  $15,67 \pm 1,32$  пг/мл, асосий гуруҳдаги болаларда  $48,7 \pm 7,3$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $30,2 \pm 7,4$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,01$ ). Назорат гуруҳида ИЛ–17 миқдори  $5,30 \pm 1,24$  пг/мл га тенг бўлди, асосий гуруҳда  $13,2 \pm 1,3$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $11,7 \pm 1,98$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,01$ ).

Цитокин профил ҳолатидаги қиёсий таҳлил ОИВ инфекция фонида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлар яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин кўтарилишига олиб келишини кўрсатди. Назорат ва таққослаш гуруҳида яллиғланишга қарши цитокинларнинг пасайиши белгиланди.

Ўткир тонзиллит ОИВ билан зарарланган 15 нафар (38,4%), сурункали тонзиллит 24 нафар (61,6%) болада кузатилди; назорат гуруҳида улар 8 нафар (40%) ва 12 нафарни (60%) ташкил этди. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларнинг иккала гуруҳида ҳам тонзиллитнинг учраш даражаси бир-бирдан кам фарқ қилди.

Анамнез маълумотларини ўрганиш ОИВ/ОИТС бўлган болалар гуруҳида сурункали тонзиллитнинг ҳар йилги қайталаниши 3 мартадан 5 мартагача бўлиши ва ўртача  $4,0 \pm 0,2$  мартани ташкил этишини кўрсатди. ОИВ инфекцияси билан зарарланмаган болалар гуруҳида бу кўрсаткич ишончли паст бўлди ва бир йилда  $1,5 \pm 0,3$  мартани ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

ОИВ инфекцияси бўлган болалар орасида ўткир ва сурункали тонзиллит ривожланиши натижасида оғирлашган 26 нафар бола (66,7%) касалхонага ётқизилди, шунда амбулатор шароитда фақат 13 нафар (33,3%) бемор ўткир тонзиллит билан (лакунар ангинанинг енгил даражаси (6 нафар бола) ва сурункали тонзиллитнинг оддий шакли билан касалланган (7 нафар бола) болалар даволанди.

ОИВ фонида ўткир ва сурункали тонзиллит касалликларида амбулатор шароитда даволанишнинг давомийлиги ўртача  $6,5 \pm 0,4$  кунни, ОИВ инфекцияси бўлмаган ўткир ва сурункали тонзиллит касалликларида даволаниш  $4,1 \pm 0,3$  кунни ташкил этди ( $P < 0,001$ ). ОИВ инфекцияси фонида ўткир ва сурункали тонзиллитда стационар шароитда даволаниш давомийлиги –  $10,0 \pm 0,4$  кун, ОИВ инфекцияси бўлмаган гуруҳда  $5,2 \pm 0,4$  кунни ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

Ўткир тонзиллитли беморларда кўзгатувчилар спектри кўпайган миқдорда (90% дан ортик) граммулбат кокклардан (стрептококк ва стафилококк), грамманфий таёқчалар гуруҳи эса битта штамдан ташкил топди. ОИВ позитив статус ҳолатли беморларда ўткир тонзиллит ташхиси (15 нафар) бактериологик жиҳатдан 13 нафар (80%) текширилаётган бемор болада тасдиқланди. Ажралган микроорганизмлар 33,3% ҳолатда монокультура кўринишида ва 6 нафарида (40%) ассоциацияланган кўринишда аниқланди. Ўткир тонзиллит бўлган беморларда жами микроорганизмларнинг 24 штамми ажралган бўлиб, улардан 9 та штамм 8 нафар (53,3%) беморда экилган *Candida spp* замбуруғли флорага (37,5%) тегишли. Таъкидлаш керакки, замбуруғли флора ОИВ негатив ҳолатдаги ўткир тонзиллитли беморларда унмади. Ажралган микроорганизмлар орасида энг кўп стрептококк штамлари 6 нафарида (25%) учради. *S.pyogenes* ОИВ позитив ҳолатдаги 4 нафар (26,7%) болада ажралди. Шу билан бирга умумий тузилишдаги алоҳида микроорганизмлар сони ОИВ негатив ҳолатдаги ўткир тонзиллитли беморлар кўрсаткичидан фарқланди. Хусусан, ОИВ позитив ҳолатдаги ўткир тонзиллитли 8 нафар (53,3%) беморда шартли патоген бактериялар (*S. epidermidis*, *S. saprophyticus*, *S.veridans*, *E.coli*, *M.catarrhalis*, *Proteus spp.*) экилди ва бу кўрсаткичлар ОИВ негатив ҳолатдаги ўткир тонзиллитли беморлар кўрсаткичидан деярли 5 марта кўп.

ОИВ негатив ҳолатдаги сурункали тонзиллитда 14 нафар бола текширилди. Ташхис 12 нафар (85,8%) беморда бактериологик жиҳатдан тасдиқланди. Ажралган микроорганизмлар 64,4% ҳолатда монокультура кўринишида ва 21,4% ҳолатда ассоциацияланган кўринишда аниқланди. Бунда 19 та микроорганизмлар штамми ажралди ва улардан 13 та штамм (68,4%) стрептококкларга тегишли, 7 нафар (36,9%) ҳолатда *S.pyogenes* ва 3 нафар (15,7%) ҳолатда *S.pneumoniae* ажралди. ОИВ позитив ҳолатдаги сурункали тонзиллитда 27 нафар бемор текширилди, ташхис 27 нафар бемордан 20 нафарида бактериологик жиҳатдан тасдиқланди, микрофлора ўсиши 7,4% ҳолатда кузатилмади. Ажралган микроорганизмлар монокультура кўринишида (70,4%) ва ассоциация намуналари сифатида (22,2%) аниқланди.

Тадқиқот давомида ўткир ва сурункали тонзиллитли 10 нафар ОИВ позитив ва 10 нафар ОИВ негатив ҳолатдаги бемор болалар текширилди, 16 нафар ОИВ позитив ҳолатдаги ЛОР аъзолари касалликлари бўлмаган болаларда кўзиш ва ремиссия босқичида иммун кўрсаткичлар текширилди. Барча иммунологик кўрсаткичлар таққослаш ва назорат гуруҳи

кўрсаткичлари билан солиштирилди. ОИВ билан зарарланган болаларнинг ўртача ёши 5 ёшдан 10 ёшгачани ташкил этди. Барча текширилаётган болалар ОИВ/ОИТС касаллигининг 2- ва 3-босқичида ва АРВТ терапия қабул қилди, ЛОР аъзолари яллиғланиш касалликларини даволаш баённомаси бўйича даволаниш амалга оширилди.

Иммунитетнинг Т-хужайравий бўғини таҳлилининг натижалари асосий гуруҳдаги CD3+ лимфоцитларнинг нисбий миқдори таққослаш ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққосланганда паст бўлганини кўрсатди. Демак, назорат гуруҳида CD3+ миқдори  $47,82 \pm 0,93\%$  ни ташкил этди, асосий гуруҳдаги болаларда бу кўрсаткич хуруж даврида  $45,11 \pm 1,87\%$  ва ремиссия даврида  $46,22 \pm 1,66\%$  га тенг бўлди ( $P < 0,001$ ), таққослаш гуруҳида  $42,15 \pm 1,8\%$  ни ташкил этиб, ишончли фарқ қилди ( $P < 0,05$ ).

Иммунитет Т-хужайравий бўғинининг субпопуляцион таҳлилида асосий гуруҳдаги болаларда CD4+ ва CD8+ лимфоцитлар хусусиятини ўз ичига олган Т-хелпер/индуктор (CD4+) миқдорининг 1,6 мартага пасайгани аниқланди. Лейкоцитларнинг юқори кўрсаткичи сабаб Т лимфоцитлар абсолют миқдори ошишга мойил бўлди. Асосий гуруҳда Т-хелпер/индукторнинг нисбий миқдори назорат ва таққослаш гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда сезиларли паст бўлди ( $P < 0,05$ ).

CD4+/CD8+ (иммунорегулятор индекс – ИРИ)нинг ўзаро нисбати назорат ва таққослаш гуруҳи кўрсаткичлари билан таққосланганда ишончсиз пасайганини кўрсатди ( $P > 0,05$ ). Асосий гуруҳда ИРИ индивидуал кўрсаткичининг тебраниш кенглиги 0,46 дан 0,96 гача бўлган, бироқ беморларнинг кўпчилигида ИРИ 0,78 кўрсаткичдан паст эди. ИРИнинг бундай ўзгариши CD8+лимфоцитларнинг ишончсиз ўзгарган кўрсаткичлари фонида CD4+лимфоцитлар миқдори пасайиши ҳисобига кузатилди. CD8+лимфоцитлар миқдори назорат ва таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилмади.

Назорат гуруҳида ИЛ–10 миқдори  $15,47 \pm 1,40$  пг/мл, асосий гуруҳда  $48,5 \pm 7,4$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $31,1 \pm 4,7$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,01$ ). Назорат гуруҳида ИЛ–17 миқдори  $5,29 \pm 1,25$  пг/мл, асосий гуруҳда  $13,3 \pm 1,4$  пг/мл ва таққослаш гуруҳида  $12,1 \pm 1,74$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,01$ ).

Цитокин профили ҳолатининг қиёсий таҳлили ОИВ инфекция фонида танглайда яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин кўтарилишига олиб келишини кўрсатди. Назорат ва таққослаш гуруҳида яллиғланишга қарши цитокинларнинг пасайиши кузатилди.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ОИВ негатив ва позитив статусли ЛОР аъзолари касалланган беморларда даволаш чора-тадбирларининг клиник-микробиологик самарадорлиги динамикаси келтирилди.

Асосий гуруҳда ОИВ инфекцияли ЛОР касалликлари бўлган 51 нафар ва 41 нафар ОИВ инфекцияси бўлмаган ЛОР касалликлари бўлган беморлар текширилди. Ўтказилган клиник-микробиологик тадқиқот ва қабул қилинган муолажага кўра 3 та гуруҳчага бўлинди:

1-гуруҳчани соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билан анъанавий терапия олган 25 нафар бемор болаларни ташкил этди. Улардан 12 нафари ОИВ инфекциясиз сурункали тонзиллит бўлганлар ва 15 нафари ОИВ инфекцияли сурункали тонзиллит (СТ) бўлган бемор болалар.

2-гуруҳчани ЛОР аъзоларини соғломлаштиришга қаратилган нейтрал Анолит олган 30 нафар бемор болалар ташкил этди. Улардан ОИВ инфекциясиз сурункали риносинусит (СРС) бўлган 13 нафар ва 17 нафар ОИВ инфекцияли ўткир риносинусит (ЎРС) бемор болалар соғломлаштириш муолажаларини олишди.

3-гуруҳчани ФарГАЛС препарати билан ЛОР аъзоларига соғломлаштириш муолажаларини олган 35 нафар бемор болалар ташкил этди. Улардан ОИВ инфекциясиз сурункали ўрта отит (СЎО) бўлган 16 нафар ва ОИВ инфекцияли СЎО 19 нафар бемор соғломлаштириш муолажаларини олди. Барча беморларга микрофлоранинг дори воситаларига сезгирлиги, шунингдек, жараённинг кечиши ва патологик ҳолатнинг давомийлигига кўра маҳаллий муолажа билан бирга антибиотиклар тайинланди. Маҳаллий соғломлаштириш муолажалари умумқабул қилинган анъанавий услублар билан олиб борилди.

ОИВ инфекциясиз СТ бўлган беморларда соғломлаштириш муолажалари олиб борилгандан сўнг клиник соғломлашиш 66,7% беморда 3 кунда билинди. Фақатгина 2 нафар 16,7% беморда 7 кунда СТнинг йирингли ажралмасидан *Streptococcus spp.* унди. 1 нафар беморда (8,3%) кандида замбуруғлари уруғи аниқланди. Бироқ тадқиқ қилинаётган материалнинг 1 мл ажратилган культурасида сонлар кўрсаткичи жуда паст миқдорда бўлди (131, 120, 50 КОЕ мл да).

Шундай экан, ОИВ инфекциясиз сурункали тонзиллит бўлган беморларни цефалоспорин, фторхинолон, макролид ҳамда бошқа антибиотик билан ушбу препаратларга бўлган сезгирлигини аниқлагандан сўнг даволаш ва анъанавий соғломлаштириш муолажалар бодомсимон безда яллиғланиш жараёнини тезкор йўқотишга олиб келди, даволашнинг самараси ҳам барқарор бўлди.

2-гуруҳчага ОИВ инфекцияли СТ бўлган 15 нафар бемор киритилди. Ушбу беморларнинг барчаси анъанавий соғломлаштириш муолажалари билан бирга комплекс даво ҳам олишди.

Олиб борилган анъанавий соғломлаштириш муолажаларидан кейин 7 кунда даволашгача бўлган кўрсаткичлар билан таққосланганда умумий ажратмалар 64,7% гача етди. Тадқиқ қилинаётган материал, хусусан, анаэробларни аниқлашда пасайишга бўлган мойиллик кузатилди. Демак, 7 кунда пептострептококклар 2 нафар беморда аниқланди ва умумий экилган анаэробларнинг 40% ини ташкил этди. Бироқ 6 нафар (40%) ОИВ

инфекцияли СТ бўлган беморда анъанавий соғломлаштириш муолажасидан кейин этиопатоген кўзгатувчилар аниқланди. ОИВ инфекцияли СТ бўлган беморларда анъанавий соғломлаштириш муолажалари самарадорлиги 7 суткада 1 гуруҳча билан солиштирилганда 1,6 мартага камайганлиги кузатилди.

10 суткада этиопатоген (*Staphylococcus spp.* ва *P. aeruginosa*едан ташқари) микроорганизмлар учраш даражаси деярли ўзгармади. Шундай экан, ОИВ статусли СТ бўлган беморларни антибиотиклар ва анъанавий соғломлаштириш муолажалари билан даволаш бодомсимон без яллиғланиш жараёнининг тезкор тузалишига олиб келмади. Соғломлаштириш муолажаси олингандан 7–10 кун ўтиб назорат қилинаётган беморларда танглай муртагидан (*Streptococcus spp.*, *E.coli*, *Peptostreptococcus spp.*, *Candida spp*) ажратилди, ОИВ инфекциясиз сурункали тонзиллитли беморларга нисбатан ишончли (25%) ( $P<0,05$ ).

ОИВ инфекциясиз СРС бўлган беморларда соғломлаштириш муолажаси учун нейтрал Анолитдан фойдаланиш 3 суткадан кейин коккли флора учраш даражасининг тезкор қисқаришига олиб келди, ОИВ инфекциясиз СРС бўлган бемор болаларда 50% ни ташкил этди, нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажасидан кейин 3 суткада 4 мартага камайгани кузатилди, бу эса барча ажратиб кўрсатилган штаммлар кўрсаткичларига нисбатан 12,5% ни ташкил этади.

Ўтказилган соғломлаштириш муолажасидан кейин 7 кунда умумий этиопатоген микроорганизмларнинг бактерия ажратиши нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажасидан кейин даволашга қадар бўлган маълумотлар таққосланганда 15,9% ни ташкил этди. Тадқиқ қилинаётган материалда коккли флора аниқланмади, шунингдек, *P. aeruginosae* нинг грамманфий пасайишига мойиллик кузатилди. Бироқ нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажаси олиб борилгандан кейин замбуруғли флора ажралиши ушбу муддатда кузатувда тадқиқотнинг 10-кунда ўзгармади ва 1 нафар болада кандида замбуруғи уруғлари аниқланди (7,6%).

Демак, айтиш мумкинки, ОИВ инфекциясиз СРС бўлган беморларни антибиотиклар ва нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажаси бурун ва бурун ёндош бўшлиқларда яллиғланиш жараёнининг тезкор тузалишига олиб келади.

ОИВ позитив инфекцияли СРС бўлган беморларда умуман бошқача ҳолат кузатилди. Маълумотлар таҳлили тадқиқот аввалида гуруҳлар ўртасида бўшлиқлар таркибида муайян кўзгатувчилар мавжуд бўлган беморлар сонига кўра сезиларли фарқни кўрсатди.

ОИВ инфекцияли СРС бўлган беморларни антибиотиклар ва нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажаси бўшлиқларда яллиғланиш жараёнининг тезкор тузалишига олиб келмади. Анъанавий соғломлаштириш муолажасидан 10 кундан кейин назорат қилинаётган беморларда 5,8% ҳолатда (*E. coli*, *P. aeruginosae*, *Klebsiella spp.*) ажратилди ва 3 нафар (17,6%) ОИВ инфекцияли СРС бўлган болаларда *Aspergillus*sp замбуруғи уруғлари

аниқланди. ОИВ инфекцияли СРС бўлган беморларда нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажаси самарадорлиги умумий гуруҳда 69,6% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар ОИВ инфекциясиз СРС бўлган нейтрал Анолит билан соғломлаштириш муолажаси олган беморларга караганда 22,8% камрок.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар ЛОР аъзоларини соғломлаштириш чора-тадбирлари мақсадида самарали микробларга қарши препарат ва ёндашувлар топиш ниҳоятда долзарб.

ФарГАЛС микробларга ва яллиғланишга қарши кенг таъсир кўрсатади: граммусбат ва грамманфий, аэроб ва анаэроб микроорганизмлар учун фаол ва ишемик жараёнлар васкуляризациясини яхшилашга хизмат қилади.

Кўйилган мақсад ва вазифалар доирасида маҳаллий препарат ФарГАЛСни ЛОР аъзоларини соғломлаштириш муолажаларида қўллаш туфайли ОИВ билан зарарланган болалар ҳалқум йўли касалликлари ўзгариши баҳоланди.

Бундан ташқари ФарГАЛС билан ЛОР аъзоларини соғломлаштириш муолажаларидан кейин болаларда оғиздан нохуш ҳид келиши нейтрал Анолит эритмаси ва анъанавий антисептик дори воситалари билан муолажа қилганга караганда анча камлиги аниқланди. ОИВ инфекциясиз сурункали ўрта отит (СЎО) бўлган беморларда ФарГАЛС билан даволаш ва муолажа қилишдан сўнг 14 нафар беморда бактериал назорат ташхиси ўтказилганда ЛОР аъзоларида кўзғатувчилар учраш даражаси сезиларли қисқарди ва клиник соғломлашиш 11 нафар (78,6%) беморда кузатилди. *Staphylococcus spp.* учраш даражаси 6 мартага, *P. aeruginosae* 2,5 мартага ва замбуруғлар 2 мартага камайди, фақатгина битта ОИВ инфекциясиз СЎО бўлган бемор болада аралаш культура (33,3%) ва 2 нафарида йирингли ажралмадан моноинфекция (66,7%) аниқланди.

Тадқиқотнинг 7-кунида сезиларли ижобий натижалар олинди. СЎО бўлган бемор болаларда аниқланган кўзғатувчилар учраш даражаси тезкор қисқарди ва клиник соғломлашиш 12 нафар болада (85,7%) кузатилди. ОИВ инфекциясиз СЎО бўлган фақатгина 1 нафар болада битта штаммда (9,6%) *P. aeruginosae* ва *Aspergillus spp.* кўзғатувчилари аниқланди. ОИВ инфекциясиз СЎО бўлган беморларда ФарГАЛС эритмаси билан муолажа қилиш самарадорлиги умумий гуруҳда 3 суткада 78,6%, 7 суткада 85,7% ни ташкил этди.

2-гуруҳчага ОИВ инфекцияли СЎО бўлган 19 нафар бемор киритилди. Ушбу бемор болалар гуруҳи антибиотикли терапия қаторида ФарГАЛС эритмаси билан муолажа қабул қилди.

ОИВ инфекцияли СЎО бўлган беморларда ФарГАЛС билан даволаш ва муолажа қилингандан сўнг 19 нафар болада бактериал назорат ташхислаш ўтказилди, беморларда аниқланган СЎО инфекциясининг йирингли кўзғатувчилари сезиларли қисқарган ва клиник соғломлашиш 10 нафар (52,6%) болаларда муолажанинг 3-кунида кузатилди. *Staphylococcus spp* учраши даражаси 2,5 марта, *P. aeruginosae* 2,0 марта ва замбуруғлар 2,1

мартага камайди. ОИВ инфекцияли бир нафар болада *Moraxella spp* идентификацияланди. 9 нафар боладан 3 тасида аралаш культура (33,3%) ва 6 нафарида йирингли ажралмада моноинфекция (66,7%) аниқланди. ОИВ инфекцияли СЎО бўлган беморларда ФарГАЛС эритмаси билан соғломлаштириш муолажаси самарадорлиги умумий гуруҳда 3-суткада 52,6% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар 24% га 1 гуруҳчадагиларга қараганда салбий кўринишга эга.

ФарГАЛС билан даволаш ва соғломлаштириш муолажасининг кейинги 7 кунда умумий кўзгатувчилар ҳам 21,1% га пасайди. Бошқача қилиб айтганда, 7 кунда 15 нафар (78,9%) ОИВ инфекцияли СЎО бўлган болалар текширувида патоген флорали кўзгатувчилар аниқланмади. Ушбу кўрсаткичлар 11,5% га ОИВ инфекциясиз СЎО бўлган беморлардаги 7 суткадаги кўрсаткичларга нисбатан кам. 10 суткада (1-гуруҳча ҳам) ОИВ инфекцияли СЎО бўлган барча бемор болалар текширувида манфий натижалар олинди.

Шундай қилиб, ФарГАЛС эритмасини комплекс даволашда ва ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар ЛОР аъзоларини соғломлаштириш муолажаларида қабул қилиш муайян даражада ва анча қисқа муддатда бактериявий ва замбуруғли инфекцияларда яллиғланиш жараёнлари клиник белгиларини камайтириб, гигиеник индексни 43% га яхшилади, яллиғланишларни тўлиқ камайишигача пасайтирди, ЛОР аъзолари шиллик қаватининг носпецифик ҳимоя функцияларини кучайтиришга ёрдам берди.

**Диссертациянинг «ОИВ инфекцияли ЛОР аъзолари касалланган болаларда даволаш-профилактика чора-тадбирлари сифатини оширишга бўлган ёндашувнинг клиник-иммунологик мезонлари»** деб номланган бешинчи бобида иммунологик тадқиқотлар келтирилган.

ОИВ инфекциянинг асосий ўзига хослиги иммун тизими, биринчи навбатда Т-хужайравий ҳалқани яллиғлантиришидир. Шубҳасиз, CD4+ лимфоцитларнинг кам миқдори иккиламчи инфекцияларга чидамлиликини пасайтиради. Бу ўзида ноадекват иммунологик жавобни акс эттиради ва инфекцияли жараёнлардан ҳимоялашга ёрдам беради.

ОИВ инфекция билан зарарланишда болаларда ЛОР аъзолари касалликларининг ривожланиши Т- ва В-хужайравий иммун танқислигини чуқурлаштиради ва CD4+ хужайра ва CD8+ цитотоксик лимфоцитлар, ИЛ-2 ва CD95+ апоптоз омилларига CD25+ рецепторлари сони танқислиги билан пайдо бўлувчи Т-лимфоцитлар иммун бошқарувчи субпопуляция иммунтанқислиги билан кузатилади. Цитокин профил ҳолатининг қиёсий таҳлили ОИВ инфекцияси билан зарарланганда ЛОР аъзоларида аниқ яллиғланиш жараёнларининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг тезкор кўтарилишига олиб келишини кўрсатди.

Тадқиқотда болалар иммун тизимида муайян ўзгаришлар аниқланган бўлса-да, иммунизациядан кейин иммунитетнинг хужайравий ва гуморал ҳалқаларини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам ортди. Иммун тизимини мувофиқлаштиришда қарши вакцина қабул қилишдан фойдаланилди.

Вакцинация барча шахсларга, энг аввало, грипп билан касалланган ёки грипп бўлиш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасига тавсия этилади.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР касалликлари бўлган болаларнинг иммун ҳолатини яхшилаш учун гриппга қарши эмлашни киритиш ЛОР аъзолари касалликларининг тез-тез қайталаниш даражасини пасайтиришга ёрдам беради (йилига  $5,1 \pm 0,2$  дан  $3,2 \pm 0,4$  гача,  $P < 0,01$ ), бу эса иммунитетнинг иммун танқислиги фонида мўътадил бўлишга олиб келади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тиббиётда ОИВ инфекцияси мавжуд бўлган ўткир риносинусит ЎРС бўлган болалар иммун тизимини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

ЎРС ва ОИВли болалар иммун тизимини тадқиқ этиш натижаларига асосан Бухоро давлат тиббиёт институтида ОИВ билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларини ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш учун электрон дастур ишлаб чиқилди. Дастур асосини ОИВ инфекцияси билан зарарланган болалар иммунологик текширув натижалари ташкил этди.

2-расмда маълумотларни дастурга киритиш акс этирилган.

**ОИВ билан зарарланган болаларда ЛОР-аъзолари касалликларини ташхислаш ва даволаш усулини танлаш учун дастур**

Кўрсаткичлар	Натижалар	Назорат
Лейкоцитлар, ҳуж/ммкл	6123	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
Лимфоцитлар, %	21.4	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
Лимфоцитлар, умум.	1812	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
T(CD3), %	38.4	<input type="checkbox"/> Касал <input type="checkbox"/> Касал
T(CD3), умум.	362.5	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
T <sub>H</sub> (CD4), %	34.2	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
T <sub>C</sub> (CD8), %	24.2	<input type="checkbox"/> Касал <input checked="" type="checkbox"/> Соғлом
НРН(CD/CD8)	1.5	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
T <sub>K</sub> (CD16), %	16.2	<input type="checkbox"/> Касал <input type="checkbox"/> Касал
B(CD19), %	19.62	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
CD19, умум.	351.6	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
Ig A, мг%	84.4	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
Ig M, мг%	86.7	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
Ig G, мг%	888.7	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
ИНФ - у, нг/мл	22	<input checked="" type="checkbox"/> Соғлом <input type="checkbox"/> Касал
ИЛ - 10, нг/мл	45	<input type="checkbox"/> Касал

**ОИВ билан зарарланган болаларда ЛОР-аъзолари касалланш эҳтимолини 56,2%**

**ОК**

ЧҚИШ

2-расм. ОИВ билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари патологиясини даволаш усулини танлаш учун киритилган маълумотлар намуналари.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЎРС бўлган болаларда иммун статуснинг кўплаб параметрлари танқислиги кузатилди. Иммун статус бузилишининг асосий томонларидан бири Тс (CD8) лимфоцитларнинг функционал фаоллашуви ошиши билан кузатиловчи Тх(CD) лимфоцитлар супрессияси ва ИРИ инверсия мавжудлиги бўлиб, бу салбий клиник мезон ҳисобланади. Беморлар маълумотларида даволашдан кейин иммун статусда ижобий ўзгаришлар динамикаси рўй бермади. Муолажа таъсирида ИФН-γ цитокинлар кўрсаткичларининг ошиши кузатилди. Бироқ таъкидлаш керакки, ИЛ–10 миқдорининг ўзгариши яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг миқдорий бузилиши ва ОИВ юқтириш оқибатида оғир асоратларга олиб келувчи олдиндан иммун танқислиги ҳолати мавжудлигини далиллайди.

ЛОР аъзолари касалликлари ҳолати қаторида ОИВ инфекция биринчи клиник пайдо бўлиши ҳам мумкин, таклиф этилган дастур асосий касалликни ишончли ташхислашга ёрдам беради.

Шундай экан, таклиф этилган дастур ташхислаш ва ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликларини даволаш усулини танлашда иммун танқислигининг оғирлик даражасини аниқлаш, тавсия этилган комплекс терапияни оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

«ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси бўйича ўтказилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ОИВ/ОИТС билан зарарланган болалар учун ЛОР касалликлари ривожланишининг юқори учраш даражаси хос бўлиб, таркибига кўра 39,2% ҳолатда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари, 31,3% – қулоқ касалликлари ва 29,5% – тонзиллитлар ташкил этади; бунда 18,3% болаларда ОИВ/ОИТС фонида ЛОР аъзоларининг бир нечта ассоциацияланган касалликлари кузатилди.

2. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларга ЛОР аъзолари касалликларининг кучайиши хос бўлиб (ОИВ инфекция йўқлигида бир йилда  $2,1 \pm 0,3$  га қарши  $5,1 \pm 0,2$  марта,  $P < 0,001$ ), бунда бемор ҳолатининг оғирлик даражасига қараб касалхонага ётқизиш зарурати 78,8% га етади (ОИВ инфекциясиз 43,5% га қарши,  $P < 0,001$ ), фақат 21,2% беморда мос равишда амбулатор режимда даволаниш имкони бўлди (ОИВ инфекциясиз 56,5% га қарши,  $P < 0,001$ ). ОИВ инфекция фонида 23% ҳолатда ЛОР аъзолари касалликларининг оғир ва асоратли шакллари ривожланишининг юқори учраш даражаси белгиланди (назорат гуруҳида 4,3%) ( $P < 0,002$ ); бунда ОИВ инфекцияси фонида асоратлар орасида менингитнинг ривожланиш даражаси 13,4%, мия абсцесси – 7,7% ва оғир даражадаги сепсис 1,9% га етади ( $P < 0,027$ ) ва 9,6% гача ўлим кўрсаткичларига сабаб бўлади.

3. ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР аъзолари касалликлари бўлган болалардаги кўзгатувчиларнинг асосий кўрсаткичлари ОИВ инфекцияси билан зарарланмаган беморлар билан таққосланганда ОИВ инфекцияси билан зарарланган гуруҳда патоген микрофлора ишонарли даражада кўплигини кўрсатди.

4. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзоларининг йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволашда нейтрал Анолит, анъанавий дори воситалари билан даволашга нисбатан муайян устунликка эга. Кўлланган даволаш усуллари орасида ФарГАЛС энг самарали усул бўлди.

5. Болаларда ОИВ инфекция фонида ЛОР аъзолари касалликларининг ривожланиши Т- ва В-хужайравий иммун танқислигини қийинлаштиради, бу CD4+ хужайралари ва CD8+ цитотоксик лимфоцитлар сони, ИЛ-2 учун CD25+ рецепторлари ва CD95+ апоптоз омиллари танқислиги билан пайдо бўлган Т-лимфоцитлар иммунрегулятор субпопуляцияларининг иммун танқислиги билан боғлиқ. Цитокин профилидаги ҳолатнинг қиёсий таҳлили ОИВ инфекцияси фонида ЛОР аъзоларида аниқ яллиғланиш жараёнларининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ошишига олиб келишини кўрсатди. ОИВ инфекцияси билан зарарланган ЛОР касалликлари бўлган болалар иммун ҳолатини яхшилаш учун гриппга қарши эмлашни киритиш ЛОР аъзолари касалликларининг тез-тез қайталаниш даражасини пасайтириш имконини берди (йилига  $5,1 \pm 0,2$  дан  $3,2 \pm 0,4$  гача,  $P < 0,01$ ), бу эса иммунитетнинг иммун танқислиги фонида мўътадил бўлишга боғлиқ.

6. ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ЛОР аъзолари касалликлари бўйича ишлаб чиқилган дастур иммун танқислик оғирлик даражасини белгилаш, тавсия этилган комплекс терапияни оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**НАРЗУЛЛАЕВ НУРИДДИН УМАРОВИЧ**

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
ЛОП-ПАТОЛОГИИ У ВИЧ-ИНФИЦИРОВАННЫХ ДЕТЕЙ**

**14.00. 04 – Оториноларингология**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Tib39.**

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат докторской диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdsi.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

<b>Научные консультанты:</b>	<b>Хасанов Саидакрам Аскарлович,</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Гариб Виктория Фирузовна,</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Лопатин Андрей Станиславович (Россия),</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Шамсиев Джахонгир Фазлитдинович,</b> доктор медицинских наук <b>Залялиева Марьям Валияхмедовна,</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Первый Санкт-Петербургский государственный медицинский университет имени И.П.Павлова (Россия)</b>

Защита докторской диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнобадский район, улица Махтумкули, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Ташкентском государственном стоматологическом институте (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_), по адресу: 100047, г.Ташкент, Яшнобадский район, улица Махтумкули, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, 230-47-99.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Ж.А.Ризаев,**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**Л.Э.Хасанова,**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.А.Абдукаюмов,**  
Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире, несмотря на проведение комплекса мероприятий против пандемии ВИЧ/СПИДа наблюдается нарастание заболевания. По данным UNAIDS (2012), в мире насчитывалось примерно 1,6 млн случаев смерти, с начала эпидемии 36 млн человек умерли от СПИДа. Начиная с 2005 года вследствие активации полового пути передачи ВИЧ-инфекции число заболевших матерей и детей прогрессирует. В мировом масштабе новые случаи заражения СПИДом в 40% случаев приходится на лиц молодого возраста от общего числа фиксируемого контингента взрослых людей (старше 15 лет) (UNAIDS, 2016)<sup>1</sup>. ВИЧ/СПИД являясь социально-экономической проблемой, захватывает все слои трудоспособного населения. На сегодняшний день всего насчитывают более 36,7 млн ВИЧ-инфицированных. Эпидемия ВИЧ/СПИД создаёт угрозу для стабильного развития общества в большинстве стран мира. Развитие эпидемии приводит к усугублению социальных проблем, в результате чего она может создать угрозу для экономического развития.

В мировом масштабе проводится ряд научных исследований с целью повышения эффективности мероприятий по клинко-патогенетическому лечению и профилактике ЛОР-заболеваний у ВИЧ-инфицированных детей. В связи с этим, придаётся большое значение новому подходу определения основных особенностей, обоснованию причин развития патологических изменений в ЛОР-органах. Особое значение имеет новый подход по снижению риска формирования резистентности к АРВТ препаратам, усовершенствованию подходов терапии и профилактики оппортунистических инфекций и сопутствующих синдромов, определению изменений в иммунной системе, повышению эффективности профилактических мероприятий, улучшающих качество жизни детей и снижению осложнений ЛОР-заболеваний у ВИЧ-инфицированных детей.

На сегодняшний день в нашей стране среди различных слоев населения проводится широкомасштабная работа по раннему выявлению соматических заболеваний и снижению осложнений, созданию здоровой обстановки среди детей, предупреждению распространения и профилактики ВИЧ/СПИД. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы<sup>2</sup> определены следующие задачи: «... способствующих повышению качества оказания медицинской помощи населению, оздоровлению, обеспечению и укреплению материальной технической базы медицинских учреждений первичного звена и скорой неотложной помощи, охрана семьи, материнства и детства...». Исходя из сказанного выше, особое внимание уделяется повышению уровня

---

<sup>1</sup> Global AIDS Update, UNAIDS, 2016

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

оказания медицинских услуг населению, разработке диагностики и лечебной тактики ЛОР-патологии у ВИЧ-инфицированных детей, особенно снижению осложнений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3493 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия распространению заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека в Республике Узбекистан» от 25 января 2018 года и № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** В ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира проводятся научные исследования по изучению клинико-иммунологических особенностей, диагностики и разработки новых методов лечения ЛОР-заболеваний у ВИЧ-инфицированных детей, в том числе: Centres for Disease Control and Prevention (США); Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II (Италия); Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University (Израиль); Laboratory of Immunology, University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet (Дания); Department of Medical Microbiology and University of Liverpool (Англия); Klinik Thalkirchner Strasse (Германия); Ташкентской медицинской академии (Узбекистан).

Научно-исследовательские работы, направленные на изучение иммунитета и аллергической реактивности при ВИЧ-инфекции, проводились в перечисленных выше медицинских центрах, где были получены следующие результаты: доказана роль в развитии системного и межклеточного иммунитета слизистой оболочки полости рта и ЛОР-органов (Centres for Disease Control and Prevention, США); у ВИЧ-инфицированных чаще, чем у ВИЧ-негативных лиц, встречаются аллергозы, в частности, они чаще дают аллергические реакции на лекарства (Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II, Италия); определён дисбаланс про- и противовоспалительных цитокинов (Department of

---

<sup>1</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проведен на основании: [www.cdc.gov](http://www.cdc.gov), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.virology.wisc.edu](http://www.virology.wisc.edu), [medicine.utoronto.ca](http://medicine.utoronto.ca), [www.hst.aau.dk](http://www.hst.aau.dk), [www.rigshospitalet.dk](http://www.rigshospitalet.dk), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.liverpool.ac.uk](http://www.liverpool.ac.uk), [www.klinikum-muenchen.de](http://www.klinikum-muenchen.de), [www.cochranelibrary.com](http://www.cochranelibrary.com), [www.new.huji.ac.il/en](http://www.new.huji.ac.il/en), [www.rsl.ru](http://www.rsl.ru), [www.biomedcentral.com](http://www.biomedcentral.com), [www.tma.uz](http://www.tma.uz) и других источников.

Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University, Израиль); доказано, что основным звеном в патогенезе атопических заболеваний является Th2-иммунный ответ, который образуется противовоспалительными цитокинами (Laboratory of Immunology, University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet, Дания); разработаны программы по своевременной диагностике, лечению и психологической поддержке для быстрого восстановления здоровья детей (Department of Medical Microbiology and University of Liverpool, Англия); лечение ВИЧ-инфицированных детей основано на применение современных иммуномодуляторов и средств по защите от гепатита (Klinik Thalkirchner Strasse, Германия); разработан алгоритм диагностики и лечения патологии ЛОР-органов у ВИЧ-инфицированных детей (Ташкентская медицинская академия, Узбекистан).

В настоящее время в мировом масштабе проводятся приоритетные научные исследования по определению клинико-эпидемиологических особенностей, повышению эффективности лечения и профилактики ЛОР-патологий у ВИЧ-инфицированных больных, в том числе ранняя диагностика ВИЧ-инфекций у детей, проведение тактики лечения и оценка изменений в иммунной системе; повышение эффективности различных профилактических мероприятий, направленных на улучшение качества жизни детей; разработка новых, патогенетически обоснованных, методов лечения и диагностики.

**Степень изученности проблемы.** Ситуация по ВИЧ-инфекции в странах СНГ и в Центрально-Азиатском регионе глобальна, по крайней мере 60 миллионов человек были заражены вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ), у большинства развивался СПИД, приводящий к огромной заболеваемости и смертности (Белякова Н.А., 2009; Slyker J.A. et al, 2013). Именно с этого года наблюдается рост ВИЧ-инфекций среди детей в Республике Узбекистан и в соседних странах (Атабеков Н.С., 2010; Хазова Е.Ю., 2012). По данным Республиканского Центра по борьбе со СПИДом, к 01 января 2016 в Республике Узбекистан зарегистрировано 17 993 лиц инфицированных ВИЧ-инфекцией; женщины составили около 30% от числа ВИЧ-инфицированных. Сегодня в Узбекистане количество ВИЧ-инфицированных детей в возрасте до 14 лет составляет около 18% (Негматова Н.У. и соавт., 2017).

На сегодняшний день одним из первых клинических предикторов и проявлений сдвигов в ротовой полости и слизистого слоя ЛОР-органах у ВИЧ-инфицированного контингента лиц является отражением клинических симптомов в отношении к инфицированию вирусом иммунодефицита человека на разных этапах указанного заболевания (Карпищенко С.А. и соавт., 2017). В целом коррекция и лечение пациентов с ВИЧ-инфицированием и его проявлений направлено на индуцирование супрессии репликативной функции вируса при помощи высокоактивной антиретровирусной терапии (ВААРТ). Кроме этого, не должна уходить на второй план профилактика и лечение оппортунистических инфекций и

сопутствующих симптомов, возникающих и развивающихся на фоне ВИЧ-инфекции. Всё ещё не существует препаратов, которые бы позволили окончательно и радикально излечить больных от ВИЧ/СПИД-инфекции. Имеющийся достаточно большой арсенал лечебных подходов и средств оказывает лишь предупреждающее действие, либо направлен на замедление и снижение прогрессирования болезни (Худайкулова Г.К. и соавт., 2015).

Разработанные к настоящему времени эффективные специфические антиретровирусные средства, обладающие противовирусным действием, направлены на продление жизни больных и служат основным базисом медикаментозной терапии (Ростова Н.Б. и соавт., 2016; Шалгина М.В. и соавт., 2017; Mignon S. Cohen et al, 2016). Лечение вторичных инфекций ЛОР-органов у ВИЧ-инфицированных больных имеет свои особенности: назначают большие дозы препаратов, увеличивают сроки их применения, проводят профилактический прием лекарственных средств. При этом следует помнить, что нельзя назначать иммуностимулирующие и иммунодепрессивные средства. Применяют также разнообразные препараты для лечения оппортунистических инфекций, заболеваний крови, опухолей и т.п. (Белозеров Е.С. и соавт., 2014).

